



2018 йил 31 май

№ РС-28-18

Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланиш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ва қуйи судларда Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан судья ва суд ходимлари тўғри ва оқилона, фақат хизмат вазифалари юзасидан фойдаланишларини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланиш тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳамда жойлардаги судларнинг ушбу соҳага масъул ходимлари ўз иш фаолиятини мазкур Низом талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ташкиллаштирсин.

3. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) тасдиқланган режа асосида видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда мазкур Низомнинг мазмун ва моҳияти юзасидан судья ва суд ходимларига ўқув-семинар машғулотларини ташкил этсин.

4. Олий суд таркибий тузилмалари раҳбарлари, жойлардаги судлар раислари мазкур Низом талабларига судья ва суд ходимлари томонидан тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш ҳамда Интернет ресурсларидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар.

5. Мазкур қарор Олий суд таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ва улар орқали барча туманлараро, туман (шаҳар) судларига ижро учун юборилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

Олий суд раиси


К.Камилов

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ тармоғидан фойдаланиш тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ тармоғидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий суд судьяси ва суд ходимларига ҳамда қуйи судлар судьялари ва суд ходимларига (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) Интернет ва ТАС-ІХ тармоғига кириш ҳуқуқини бериш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судлар судьяси ва ходими бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги ва қуйи судларидаги компьютер, ноутбук, мобиль воситалар (планшет) ёки бошқа компьютер техникаси ёки алоқа воситалари орқали Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ тармоғидан фойдаланишига фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизим администраторининг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин.

3. Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқи Олий суд ҳисобидан ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун берилади.

4. Ушбу Низом Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ тармоғидан фойдаланувчи ходимлар учун мажбурийдир.

Ҳар бир Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ фойдаланувчиси Интернет тармоғи ва ТАС-ІХ тармоғидан фойдаланувчи ходимлар рўйхати юритиладиган журналга имзо қўйган ҳолда мазкур Низом билан таништирилиши лозим.

ІІ. Асосий тушунча ва қисқартмалар

5. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунча ва қисқартмалар қўлланилган:

интернет фойдаланувчиси – белгиланган тартибда Интернет тармоғидан фойдаланишга рухсат берилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки қуйи суд штатидаги ходим ёки жалб қилинган (шартнома асосида) бошқа шахслар;

TAS-IX тармоғи фойдаланувчиси - белгиланган тартибда TAS-IX тармоғидан фойдаланишга рухсат берилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки қуйи суд штатидаги ходим ёки жалб қилинган (шартнома асосида) бошқа шахслар;

интернет тармоғи – маълумотларни сақлаш ва узатишга қаратилган бутунжаҳон компьютер тармоқлари тўплами;

TAS-IX тармоғи – Ўзбекистон Республикаси ичида Интернет-трафиклари алмашиш нуқтаси (ички Интернет тармоғи);

тизим администратори – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раҳбарияти томонидан тасдиқланган, Интернет тармоғидан фойдаланишга рухсат берувчи ва ундан фойдаланишни мувофиқлаштириб боровчи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (бундан буён матнда АКТБ деб юритилади) ходими;

MAC манзил – фаол ускуналарга берилган ноёб, такрорланмайдиган идентификатор;

IP манзил – компьютер тармоғидаги фаол усқунанинг ягона тармоқ манзили;

хавфсиз гуруҳ – тизим администратори томонидан электрон тизимда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган интернет фойдаланувчилари гуруҳи;

спам – қабул қилувчилар томонидан талаб қилинмаган реклама ёки бошқа мазмундаги хат-хабарни оммавий тарзда жўнатиш;

аноним прокси-сервер – тақиқланган Интернет сайтларига кириш ёки ўзининг ҳақиқий IP манзилини яшириш имконини берувчи дастур ёки сайтлар;

ноодатий вазият – бу технологик жараённинг ёки усқуналар ҳолатининг нормал фаолият чегарасидан ташқарига чиқиши оқибатида аварияга олиб келиши мумкин бўлган вазият;

электрон тизим – электрон усқуналар, шу жумладан телекоммуникация, ахборот ва компьютер тизимлари, бошқарув ва бошқариш тизимлари ва бошқаларни ўз ичига олган тизим;

интернет ресурслари – Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғида жойлашган матн, графика ва мультимедиа шаклдаги маълумотлар, турли веб-сайт ва веб-саҳифалар, ижтимоий тармоқлар.

III. Ўзбекистон Республикаси Олий суд томонидан Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғига уланишни таъминлаш

6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг электрон тизимида фойдаланувчилар ваколат доирасини ўзгартириш АКТБнинг масъул ходими томонидан бажарилади.

7. Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланишга рухсат берилган ходимлар ўз ҳаракатлари учун шахсан ўзлари жавобгар ҳисобланадилар.

Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғига уланиш учун ҳар бир ходимга рўйхатдан ўтиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тизим администратори томонидан киритилиши керак бўлган шахсий такрорланмайдиган логин ва пароль берилади ёки ходимнинг шахсий компьютерининг MAC манзили тармоққа бириктирилади.

8. Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланишда айна бир логин ва паролдан бир нечта ходимларнинг фойдаланиши таъқиқланади.

9. Ходимнинг электрон тизимдаги ваколатини ўзгартириш (Интернет тармоғи ёки TAS-IX тармоғига уланиш ҳуқуқини бериш, ўзгартириш ёки тугатиш) учун ушбу ходим раҳбари томонидан тизим администратори номига ёзилган билдирги асос бўлади.

10. Ходимларнинг электрон тизимдаги ваколат доирасини ўзгартириш бунга ваколатсиз шахслар томонидан амалга оширилиши таъқиқланади ва тизимга рухсатсиз кириш ҳолати деб баҳоланади.

IV. Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланувчилар рўйхатини яратиш, ўзгартириш ва ўчириш тартиби

11. Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланувчилар рўйхатини тизим администратори шакллантиради ва юритади.

12. Рўйхатда фойдаланувчининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, уни қайси хавфсиз гуруҳга мансублиги, фойдаланиш тоифаси, фойдаланувчи номи (логини), пароль, шахсий компьютер ёки бошқа ускунага тегишли идентификацион белгилари ва электрон почта манзили кўрсатилиши керак. Мазкур рўйхат махфий (конфиденциал) маълумот ҳисобланади.

13. Тизим администратори фойдаланувчилар раҳбарларининг билдиргиси асосида фойдаланувчининг хизмат вазифаларидан, Олий суд

ахборот тизими имкониятлари ва сиёсатидан келиб чиққан ҳолда рўйхатга ўзгартириш киритади.

14. Билдирги келиб тушганидан сўнг тизим администратори рўйхатга ўзгартириш киритишни асослантирилган ҳолда рад этиш ёки ўзгартириш киритишни таъминлаш чораларини кўриши лозим.

V. Интернет тармоғи ва TAS-IX тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқи

15. Ходимларга хизмат вазифаларини бажариш жараёнида зарурат туғилган ҳолларда ва бевосита раҳбарият томонидан берилган бир марталик топшириқлар ижросини бажариш учун Интернет ресурсларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Интернет ресурсларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

16. Интернетдан фойдаланаётган фойдаланувчилар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари шарт:

Интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро қонунчиликка зид келмайдиган маълумотларни қабул қилиш ва юбориш;

рухсатсиз уланишга уриниш ҳолатлари аниқланган ва вирус мавжудлигига шубҳа пайдо бўлган ҳолларда зудлик билан АКТБ масъул ходимини хабардор қилиш;

Интернет тармоғидан қабул қилувчилар томонидан талаб қилинмаган ахборотларни тарқатиш мақсадида фойдаланмаслик(тармоқда тўсиқ яратиш ёки унда иштирок этиш – спам);

учинчи шахслар идентификацион маълумотларидан (исм, манзил, телефон рақами ва ҳ.к.) фойдаланмаслик, улар томонидан бундай ҳаракатларни амалга оширишга рухсат берилган ҳолатлар бундан мустасно. Шу билан бирга, фойдаланувчи номидан бошқа учинчи шахслар интернетдан фойдаланишини олдини олиш чораларини кўриш(пароль ва бошқа кодлар хавфсизлигини таъминлаш);

берилган IPманзилини, шунингдек Интернет орқали маълумотларни юборишда ва бошқа маълумотларни сохталаштирмаслик;

АКТБ масъул ходими билан келишилмаган ҳолда компьютер операцион тизими конфигурациясини ўзгартириш, дастурий таъминотлар ўрнатиш, ўзига тегишли бўлмаган файлларни ўзгартириш ишларини амалга оширмаслик;

Интернет тармоғидан мультимедиа файлларини (видео, мусика, ўйин, графика), шунингдек хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа дастурий таъминотларни қабул қилиш, юбориш ва юклаб олиш учун фойдаланмаслик.

17. Интернет тармоғидан фойдаланиш жараёнида қуйидагилар тақиқланади:

Олий суд ва судларда махфий (конфиденциал) ахборотлар сирасига киритилган маълумотларни ошкор этиш;

вируслар ёки бошқа компьютер кодларини ўз ичига олган материалларни, компьютер ва телекоммуникация ускуналарини ёки дастурларни ишдан чиқариш ёки уларни тўлиқ ишлашини чеклаб қўйишга мўлжалланган файлларни ҳамда интернетга рухсатсиз кириш имконини берувчи дастурларни юклаб олиш, тарқатиш ёки жойлаштириш;

18. Интернет ресурслари билан ишлашда қуйидагилар тақиқланади: антивирус дастурида текширилмаган файлларни юклаб олиш ва ўрнатиш;

аноним прокси-серверлардан фойдаланиш;

Интернет ресурсларига уланиш имконини берувчи, Олий суд хавфсизлик сиёсатига зид бўлган дастурлар ва ускуналардан фойдаланиш.

19. Фойдаланувчилар томонидан фойдаланилган Интернет ресурслари ҳақидаги барча маълумотлар сақланади ва зарурат туғилган ҳолларда ходимнинг таркибий тузилма раҳбарига шунингдек, Олий суд раҳбариятига тақдим этилиши мумкин.

20. Мазкур қоидаларга амал қилмаслик Интернетдан фойдаланиш учун берилган ҳуқуқни бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

21. Фойдаланувчилар томонидан содир этилган алоҳида қоидабузарликлар (17-банд) ҳақида бевосита ходимнинг раҳбари хабардор қилиниши лозим.

22. Ноодатий вазиятлар юзага келган ҳолатларда ёки Олий суднинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда интернет ресурсларига кириш ҳуқуқи ҳеч қандай огоҳлантиришсиз блокировка қилиб қўйилиши мумкин.

VI. Яқуний қоидалар

23. Мазкур Низом талабларига амал қилинмаган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.